O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 4-dekabr, chorshanba ✱ № 49 (853) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

### ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

Навоий вилояти ҳокимлиги муассислигида чоп этиладиган "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари давлат корхонаси бугун республикамиздаги маҳаллий нашрлар орасида ўзининг мустаҳкам мавқеига эга.



➩ 4-бет

### ТИЛЛО ТОМИРЛАР ЁҒДУСИ

Бир тарафдан улуғ дарёи азимнинг эрка эпкинлари эсган, иккинчи тарафдан бепоён Қизилқум саҳросининг оташ нафаси ёвшан исларини уфурган, учинчи томонида мовий Ақчакўлнинг тўлқинлари мавж урган, тўртинчи томонидан сеҳрли Султон Увайстоғнинг майин шабадалари таралган Элликқалъа ўзбекнинг кўплаб булбулзабон бахши-шоирлари тилидадир.



➩ 6-бет

### АВВАЛО, ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

Аммо "Шовқин" роман ёзиш учунгина битилмагандир. Каминангиз, шукурки, унақа орзу-ҳаваслар палласидан ўтиб бўлган, асарнинг қадру баҳоси унинг пешонасига босилган тамға-жанрига қараб белгиланмаслигига ақли етади, қолаверса, илгари ҳам бу ишга уриниб кўрган.



➩ 7-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 96 105 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 187 970 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 187 970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 2 декабрь*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан**

"Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради".

Ислом КАРИМОВ



Суратда: Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби ўқувчилари

T.Istatov (O'zA) olgan surat

## Халқ иродасининг ҳуқуқий ифодаси

**Ҳар қандай давлат ўз тараққиёт йўлини белгилашда ишни унинг ҳуқуқий пойдеворини яратишдан бошлайди. Дунё тажрибасига кўра мазкур жараён давлатнинг ўзига хос конституциясини барпо этиш билан ниҳоя топади.**

Конституция даставвал халқнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқаро ҳуқуқ нормаларига таянади. Шундай экан, бизнинг Асосий Қонунимиз ҳам жаҳон конституциявшунослиги талабларига кўра олий юридик кучга эга, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётини тартибга солувчи ҳуқуқий, сиёсий ҳужжатдир.

Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, унда халқ иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти ўз ифодасини топгани маълум бўлади. Унда халқимизнинг маданиятлилиги, бағрикенглигини ўзида мужассам этган конституциявий норма мавжуд.

2 ▶▶

**Янги марралар сари**

## Қуёшдан қувват, заминдан меҳр олиб



Сир эмаски, кейинги йилларда аҳолини электр энергияси билан таъминлашнинг замонавий усулларини излаб топиш, энг арзон манбаларини ишлаб чиқаришга эришиш долзарб вазифа бўлиб қолаётган эди. Бу муаммо яқин-яқинларгача соҳа масъуллари олдига дунё тажрибаларини ўрганиш, таққослаш, имкониятларни чамалаб, маъқул бир йўлни танлашни ҳаётий эҳтиёж сифатада кўндаланг қилиб қўйганди.

Бунинг боиси асосан қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда дуч келинаётган муаммолар эди. Бундан 40-50 йил муқаддам фойдаланишга топширилган ва ўша даврда мавжуд бўлган хонадонларгагина мўлжалланган, бугунга келиб эса истеъмолчиларнинг бир неча баравар кўпайишига қарамай ишлатиб келинаётган, боз устига техник имкониятлари жиҳатидан анча эскирган электротрансформаторларни замонавийларига алмаштириш, электр симларини янгилаш ишлари соҳа мутасаддилари олдига шундай муаммоларни қўйганди.

2 ▶▶

ОБУНА — 2014

**Қадрли юртдошлар!**

**Азиз муштарийлар!**
**"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.**
**2014 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!**

***Эслатиб ўтамиз:***
**"HURRIYAT"*нинг нашр индекси — 233***



**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ**

## Ахборот эркинлигининг конституциявий кафолатлари

**Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган юксак марралар замирида муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли — "ўзбек модели" нечоғлик катта аҳамият касб этаётганини нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам ҳавас ва ҳайрат билан эътироф этмоқда.**

Янги давлат, янги жамиятни барпо этишда ушбу тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, айнан бу жабҳада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг куч ва имкониятларига таянилаётгани, бу борада соҳа ходимларига барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ахборот соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига тўлиқ жавоб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу борадаги ҳуқуқий кафолатлар, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қатъий белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Бош Қонунимизнинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган. Ёки 30-моддада барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги шарт қилиб қўйилган. Ва ниҳоят, Конституциянинг "Оммавий ахборот воситалари" деб номланган XV-бобининг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркин эканлиги ва қонунга мувофиқ ишлаши, улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши, цензурага йўл қўйилмаслиги ҳақидаги энг демократик нормани кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ушбу модда билан мамлакатимиз тарихида илк маротаба оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида тариқасида мустаҳкамлаб қўйилди. Энг муҳими, цензуранинг тақиқланиши билан оммавий ахборот воситаларига нисбатан турли хил босим ва тазйиқлар ўтказилишига чек қўйилди. Умуман, оммавий ахборот воситалари эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлган мазкур конституциявий қоида жамиятнинг янгиланиши жараёнида мислсиз аҳамиятга эга. Шу билан бирга у соҳага оид бир қанча қонунлар қабул қилинишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда.

5 ▶▶

# Халқ иродасининг ҳуқуқий ифодаси

(Бошланиши 1-бетда.)

Унга кўра, давлат тили ўзбек тили экани, ҳамда мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланишига шароит яратиш белгилаб берилган (4-модда). Бу эса ўзбек халқининг бошқа миллатларга нисбатан бағрикенглик фазилатлари анча илгаридан шаклланганини англатади. Шунингдек, Конституциямизда "Ўзбекистон халқи" деган атамани миллатидан қатъи назар мамлакатимиз фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган (8-модда). Ушбу конституциявий норма халқимизнинг бағрикенглигини, бизда қадимдан турли миллат вакиллари аҳил яшаб келганини англатади. Ҳозир юртимизда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишаётгани ёхуд 130 та ҳар хил миллий маданий марказлар фаолият юритаётгани қонунларимиз манбаининг айнан халқ иродаси ва руҳияти эътиборга олганининг натижаси, дейиш мумкин.

Бош қомусимизда виждон эркинлигини кафолатлашни назарда тутувчи норманинг мавжудлиги ҳам ўзида халқчиллик хусусиятини мужассам этганининг исботидир. Инчунин, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслигининг белгиланиши (31-модда) мамлакатимизда тарихдан бир неча динга эътиқод қилувчилар баҳамжиҳатликда яшашганини англатади. Шунга кўра, Конституциямизда белгиланганидек, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган. Мазкур норма диний толерантликни жамиятимиз аъзолари онгига сингдиришни ва шу ўринда уни бузишдан тийилишни назарда тутгани билан аҳамиятлидир.

Оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этиб, унинг давлат муҳофазасига олинганини (63-модда) белгиловчи конституциявий норма халқимизда оилага муқаддас макон сифатида қаралишига ишорадир. Оилавий муҳит ён-атрофида содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини туювчи фаол фуқаро, эркин шахс ва комил инсонни тарбиялашда асқотиши шубҳасиз. Оила ҳар бир ўзбек ҳаётининг мазмуни, борлиғи, бойлиги ва истиқболидир. Айнан шунинг учун ҳам Конституциямизга оила тўғрисида махсус боб киритилганини қайд этиш лозим.

Қонунларимиз манбаида фақат бизнинг Конституциямизда мавжуд, ўзбек халқигагина хос бўлган хусусиятни акс эттирувчи яна бир норма белгиланган. У ҳам бўлса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларга ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклаши (66-модда) билан аҳамиятли. Мазкур норма миллий қадриятларимизнинг моҳиятини ўзида мужассам этгани боис унга конституциявий тус берилган.

Яна бир гап: асосий Қомусимиз шаҳарча, қишлоқ ва овулларда ёки шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари — ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилишининг белгиланганини (105-модда) эътиборга молик. Бу конституциявий норма халқимиз ўз турмуш тарзида индивидуаллик эмас, балки жамоавийлик тамойилига асосланишининг исботидир. Маҳалла азалдан ижтимоий мавқеи тенг, фикри муштарак инсонлар, қолаверса, ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган муқаддас макон ҳисобланади.

Алалхусус, Конституциямизнинг асосий хусусиятларидан бири унинг миллий қадриятларимизга асосланганида, ундан бевосита озиқланганида кўринади. Юқорида таҳлил этилган конституциявий нормаларнинг ҳар бири халқимизнинг ижтимоий онги, руҳияти ва маданиятидан келиб чиққан.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети доценти**

# Қуёшдан қувват, заминдан меҳр олиб

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу борада маълум даражада ишлар бажарилди ҳам. Аммо янги, соҳага замонавий технологияларни жалб этмай масалани ижобий томонга ўнглаш қийин, албатта. Юртимиздаги ҳозир ҳам бир қатор аҳоли яшаш пунктларидаги аҳвол "Эски ҳаммом, эски тос"лигича қолмоқда.

Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши мазмун-моҳияти билан мавжуд муаммоларни бутунлай бартараф этишга бағишланди. Йиғилишда иштирок этган бир қатор халқаро ташкилотлар, молия муассасалари, хусусан, Осиё тараққиёт банки томонидан таклиф этилган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши, айниқса, Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришилгани аҳолининг электр энергияга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.


S.O'rmonov (UzA) olgan surat

"Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир неча йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — деди Юртбошимиз мазкур форумда сўзлаган нутқида. — Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хомашё захираларига эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим".

Мазкур йиғилишда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган мамлакатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлардан қуёш энергияси бўйича мутахассислар, экспертлар, шунингдек, қуёш энергияси олишда ишлатиладиган ускуналарни ишлаб чиқарувчилар ва илмий тадқиқот марказларидан қарийб 300 киши иштирок этди. Маълумки, муқобил энергиянинг ҳозир амалда бўлган углеводород манбалари ҳисобига олинаётган туридан таннархининг арзонлиги, тежамкорлиги, манбанинг битмас-туганмаслиги жаҳондаги электр ишлаб чиқарувчиларни қизиқтириб қўйди. Негаки, дунё бўйича табиий газ, нефть, кўмир каби ёнилғиларнинг захираси чегараланган. Қолаверса, уларнинг нархи ҳар йили қимматлашаверади. Шу боис жаҳон амалиётида электроэнергия ишлаб чиқаришнинг қуёш энергиясидан ташқари шамол, денгиз тўлқинлари, геотермал, кичик гидроэнергетика, биомассадан энергия олиш каби турлари кашф этилди. Бизга шулардан қуёш энегиясини олиш маъқулроқ. Чунки юртимизда 320 кун қуёш чарақлаб туради. Шундай экан, юртимизни қуёш ҳам севади, деб баралла таъкидлаш мумкин.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

**Кичик бизнес**

# ТАДБИРКОРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбикорликни ривожлантиришга қаратилган жиддий эътиборнинг самараси ўлароқ, мазкур тармоқ иқтисодий юксалишнинг асосий омилига айланди. Бугунги кунда ишбилармонлар томонидан амалга оширилаётган вазифалар давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида муҳим ўрин эгаллаяпти.**

Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёни кундан кунга жадаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижасида жойларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги ишлаб чиқариш корхоналари қад ростлаб, ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Пировард натижада мамлакат ялпи ички маҳсулотида ушбу секторнинг улуши 51,2 фоиз кўпайишига эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 ойлик якунларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 октябрига қадар 21,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этишга, улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 15,2 фоизга ўстиришга эришилган. Шу йилнинг ўтган 9 ойида ушбу тармоқ вакиллари томонидан экспорт қилинган товарлар ҳажми 13 фоизга ошди. Бундан ташқари, илгари рақобатга бардоши етмай келаётган 469 та корхона эндиликда ўз маҳсулотини экспорт қилишга кириша бошлади. Бундай корхоналарнинг экспортдаги умумий улуши ҳажми 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 фоиз ўрнига 19,1 фоизга кўтарилгани фикримиз далилидир.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 8 августдаги қарори соҳа олдидаги муаммоларни ҳал этишда муҳим қадам бўлди. Шу ўринда қайд этиш керакки, жойларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Аммо тадбиркорлар, фермерлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни хориж бозорларига олиб чиқишда айрим муаммолар бор. Буни бир қатор фермерларимизнинг «ички бозорда маҳсулотимиз харидоргир, шу ерда ҳам яхши даромад қилаяпман-ку, олисга боришнинг нима ҳожати бор», деган ўй билан хотиржам юрганлигида кўриш мумкин.

Айни шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти тадбиркорларга молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишга қаратилган. Таъсис шаклига кўра, жамғарма нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги юридик муассасадир. Фаолиятга киришганига унчалик кўп вақт бўлмаган жамғарманинг ўтган икки ой ичида 120 дан ортиқ тадбикорлик субъектига кўрсатган хизматлари беқиёс. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли 38,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинди.

— Жамғарма тадбиркорларга кредит бериш билан шуғулланмайди, — дейди ижрочи директор Жаҳонгир Мустафоев. — Бизнинг вазифамиз — тадбиркорлар, фермерларимиз ишлаб чиқарган маҳсулотни хорижга реклама қилиш орқали уларга харидор топишда кўмаклашади. Бунинг учун товар эгаси томонидан кўрсатилган хизматга ишнинг бошланишида ҳеч қандай тўлов талаб қилинмайди. Аммо ишлаб чиқарувчининг маҳсулоти жамғарма кўмагида хориж бозорига экспорт қилингандан сўнг тадбиркорнинг ҳисоб рақамига харидорлардан валюта келиб тушса, қилинган фойдадан 3 фоиз хизмат ҳақи олинади.

Айни пайтда ушбу хизматдан фойдаланаётган кўпгина хусусий бизнес вакилларининг маҳсулотлари халқаро савдо ярмаркаларида намойиш этилмоқда. Жумладан, шу ойда Латвия пойтахти Ригада бўладиган халқаро ярмаркада тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг қатнашиши борасида ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жамғарма хориж бозори талабларини ўрганиш орқали юртимизда тайёрланаётган товарларнинг қайси турларига талаб юқорилигини аниқлашга киришди.

Экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш мақсадида жойларда тадбиркор билан бевосита очиқ мулоқот ўтказиш жуда фойдалидир. Шу мақсадда жамғарма масъуллари жорий йилнинг 10-30 октябрь кунлари юртимиз бўйлаб ишлаб чиқарувчилар ҳузурида бўлиб, уларни ўз режалари билан яқиндан таништирдилар.

Мамлакатимизда дунё бозорига маҳсулот чиқармоқчи бўлган тадбиркорларимизга барча имкониятлар яратилган. Бироқ улар хорижий давлатларнинг бу соҳага оид қонунчилиги талабларидан етарли даражада хабардор эмаслар. Жамғарма мутасаддилари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратаяпти. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ келадиган лицензиялар, рухсатнома ва сертификатларни олиш, логистик хизматларни ташкил этиш борасидаги барча юмушларни ҳал этиш ҳам ушбу ташкилот зиммасидадир. Жамғарма филиаллари барча вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб боради. Тадбикорлар ҳамда фермерлар етиштирган маҳсулотини экспортга йўналтириш учун бевосита шу ҳудуддаги филиаллардан ёрдам сўрашлари мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, юртимизда хусусий бизнес вакиллари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришда мукаммал тизим яратилган. Бу эса билвосита давлатимиз равнақи ва халқимиз турмуш даражасининг янада юксалиши йўлида қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда**

## Таълим муассасаларида огоҳлик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар юртимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Мазкур йўналишдаги асосий вазифалардан бири таълим муассасалари ва унда таҳсил олувчи ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Бехосдан ёнғин келтириб чиқарувчи модда ва материаллар, алангаланувчи суюқликлар, газ горелкалари, спирт лампалари мавжудлиги сабабли ёнғин келиб чиқиш хавфи жиҳатидан мактабларнинг физика, кимё ва ишлаб чиқариш устахоналарида эҳтиёт чоралари кўрилган бўлиши шарт. Тажриба шуни кўрсатадики, кимё лабораторияларида ёниш инсон иштирокисиз ҳам юз бериши мумкин экан. Негаки, кўпгина кимёвий моддалар ва реактивлар ёнғинни келтириб чиқарувчи хусусиятга эга бўлиб, кучли оксидловчи, тикловчи ёки ёнишда ўзгарувчан моддалар ҳисобланади. Айниқса бунда, эфирлар, спиртлар, бензин ва керосин энг хавфлилар сирасига киради. Бундан ташқари, мактаб лабораторияларида юз берадиган ёнғинларга носоз электр қурилмалар, оловдан ва электр иситиш қурилмаларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Мактабларда ўтказиладиган янги йил байрами, спектакллар, концертларда пақилдоқ, мушаклар, электр гирляндлар қўлланиш ҳолатлари кузатилган. Бу эса ҳатто кичик манбадан ҳам ёнғиннинг катта тезлик билан тарқалишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларни инобатга олган ҳолда эвакуация йўлларининг ҳолати меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак. Ҳатто эвакуация йўлларининг тўлиқ меъёрларга мослигида ҳам йиғилган одамларнинг аксарияти болалар бўлган биноларда бу тадбирни ташкил этиш жуда мушкул бўлади. Сабаби, болалар катталарга нисбатан тезроқ ваҳимага тушадилар ва вазиятни тўғри баҳолай олмайдилар. Ёнғин вақтида нотўғри ҳатти-ҳаракатлар содир этиб, ўзларига зиён етказишлари мумкин.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун фарзандларимизни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга ўргатиб борилиши уларнинг келгуси ҳаётларида хавфсизликларини таъминлашга замин яратади.

**У.ЁҚУБОВ,**
**ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи, подполковник**

**Кўргазма**

# Янги имкониятлар эшиги

**Жорий йилнинг сентябрь ойида Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги "Раҳматулло чорвадор" фермер хўжалигига Германиядан 156 бош наслдор қорамол олиб келинди. Тез орада яна ўндан ортиқ фермер хўжалиги ана шундай имкониятга эга бўлади. "Раҳматулло чорвадор" сингари фермер хўжаликларининг сони йил сайин ортиб бораётгани юртимизда аҳолини чорва ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи тадбиркорлик субъектларининг қанот ёзаётганидан далолатдир.**



A.Yoqubov (UzA) olgan surat

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзагроэкспо — 2013" ҳамда "Ўзпродэкспо — 2013" IX халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари ана шу мақсадларда фаолият кўрсатаётган фермерларимизнинг замонавий техника ва технологияларни, умуман олганда, ўзлари учун керакли маҳсулот ёки материалларни харид қилишлари учун яна бир қулай имконият яратди.

Маълумки, юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси улкан истиқболга эга. Фермерларнинг маҳорати, уларда мавжуд технологияларнинг замон талаблари даражасида бўлиши эса самарадорликнинг ошишига гаровдир.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, "Ўзагроэкспо — 2013" фермерларимизни соҳага тааллуқли энг сўнгги технологиялар билан яқиндан таништирди. Хусусан, «Ростсельмаш» МЧЖ "Клевер"нинг ғаллани ўриб-йиғиб, қайта ишлайдиган технологияси фермерларнинг эътиборини тортди. Мамлакатимиздаги "Agrotechsystem" корхонасида тайёрланган техникалар эса боғдорчилик ва иссиқхона йўналишидаги фермер хўжаликларига асқотади. "Нита Фарм" ва "Max fair trade" компаниялари ишлаб чиқарган чорва моллари учун дори воситалари ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Ҳозирда юртимизда паррандачилик йўналишида 40 дан зиёд фабрика ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётир. Уларнинг ҳар бирида 50 мингдан 1 миллионтагача парранда парвариш қилинаяпти. Паррандачилик учун юқори технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи Украинанинг "Техна" корхонаси иштироки соҳа мутахассислари учун ғоят аҳамиятли бўлди.

Белоруснинг "Белрыба" ва Литванинг "Грудотека" корхоналари балиқ ҳамда денгиз маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган технологияларини намойиш этишди. Бу эса келгусида фермер хўжаликлари ҳузурида ташкил этилаётган балиқчиликни ҳам янада жонлантириш имконини беради. "Озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар" секторида эса музлатгич қурилмалар, гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар, нон ва қандолат маҳсулотлари технологиялари "Viniks" компанияси стендларида намойиш этилди. Германиянинг Plattenhard + Wirth GMBH компанияси эса мева-сабзавотларни сақловчи қурилмалар, саралаш ва қадоқлаш марказлари, кучли музлатиш камераларини тақдим этди.

Кўргазмада намойиш этилган технологиялар озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилишда асқотиши билан бирга истеъмол бозори сероблигини ҳам таъминлайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатининг жадал суръатлар билан ривожланаётганини таъкидлаган ҳолда, жорий йилнинг ўтган 9 ойида юртимиз озиқ-овқат корхоналарида 5779,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани эътиборга лойиқ. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 фоизга кўп демакдир. Бундан ташқари, соҳанинг экспорт салоҳияти ҳам анча юқорилаб йилнинг январь-сентябрь ойларида 313,6 миллион долларлик озиқ-овқат саноати маҳсулотлари хорижга етказиб берилди. Табиийки, келгусида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева сабзавотларни қуритиш, сутни қайта ишлаш, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш устувор вазифа бўлиб қолаверади. Ана шу мақсадда жорий йилнинг охиригача 288 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилаётир. Бир сўз билан айтганда, "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган мазкур кўргазма тадбиркорларимизнинг янги йўналишларда иш бошлашлари учун йўлланма бўлди.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

"Президентга мактублар" китобини ўқиб...

# МАЪНАВИЙ МАДАД

## ёки оталик меҳрига дил ташаккурлари

Қалами ўткир, тили бурро, ҳозиржавоб журналист Иброҳим Норматовнинг илк мақолалари газета ва журналлар юзини кўра бошлаганига қарийб ярим асрдан ошмоқда. Иброҳим ака дастлаб «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасида, кейинчалик эса Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигида турли масъул лавозимларда фаолият кўрсатиб, катта ҳаётий тажриба тўплади.

Одатда ҳар бир қалам соҳибининг ўз севган мавзулари ва жанрлари бўлади. Иброҳим ака ҳам бундан истисно эмас. Унинг ижодидаги ўзига хослик шуки, анча йиллар мобайнида у кўпроқ халқаро мавзуларда қалам тебратди. Эндигина мустақилликка эришган мамлакатимизга четдан туриб ғаразли мақсадларда отилаётган маломатларни зийраклик билан кузатди. Кези келганда муносиб жавоб ҳам бера олди. Бундан ташқари, журналистни кўпроқ Ватанимизнинг турли жабҳаларда эришаётган муваффақиятлари, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари илҳомлантирди.

И.Норматов соҳанинг «қаттиқ нони» билан рўзғор тебратди, фарзандларини камолга етказиб, эндиликда кўплаб набираларнинг бобоси бўлиш бахтига муяссар бўлди. Энг муҳими, у бугун улуғ ёшида ҳам долзарб жамоатчилик учун зарур мавзулардаги мақолалари билан мухлислар қалбига йўл топмоқда.

Сўзимиз сўнгида Иброҳим акага яна бир бор соғлик-саломатлик ва ғайрат-шижоат тилаган ҳолда, айни шу кунларда қоғозга туширилган ижод намуналаридан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

*Таҳририят*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига ҳар куни юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет эл фуқаролари томонидан йўлланган мактубларда мамлакатимиз билан ҳамкорликнинг турли қирралари ҳақида сўз борса, юртдошларимиз томонидан йўлланган номаларида бугунги ҳаётимизга бевосита боғлиқ масалалар қаламга олинади.

Мамлакатимизда Президентга йўлланган мактубларни китоб ҳолида нашр этиш ошкораликнинг тимсоли сифатида анъанага айлангани ажойиб ҳодиса. Хабарингиз бор, биринчи китоб 2006, иккинчиси 2009, учинчи китоб эса 2013 йилнинг ёзида «Маънавият» нашриётида босмадан чиқди. Унинг тақдимоти шу йил август ойида бўлиб ўтди. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига ўзига хос туҳфа бўлди.

Ҳаммамиз ҳам Давлатимиз раҳбарининг маърузаларини мароқ билан тинглаймиз, китобларини ўқиймиз, оммавий ахборот воситалари вакилларига берган суҳбатларидан баҳраманд бўламиз, турли учрашувларда айтган фикр-мулоҳазаларини уқиб олишга ҳаракат қиламиз. Ана шу жараёнда айримларимиз Юртбошимизнинг сўзларидан таъсирланиб нимадир айтгимиз келади. Кўп ҳолларда Юртбошимиз билан хат орқали мулоқот қилиб, у кишининг фикр-мулоҳазаларига ўз муносабатимизни билдириш кўнглимиздан ўтади.

Бироқ кўпчиликни йўллаган мактубим, айтган сўзларим, дил изҳорим у кишига етиб борармикан, деган мулоҳаза ўйлантиради. Шунинг учун биз ушбу шарҳда оддий фуқароларимизнинг мактубларига эътибор қаратмоқчимиз. Уларнинг ўзлари ёки фарзандлари, қўни-қўшнилари ёки касбдошлари, таниш-билишлари ёки қариндош-уруғлари ёзилган мактубларни Юртбошимиз ўқиганларини билиб мамнун бўлишларига ишончимиз комил.

*«Ассалому алайкум муҳтарам Президентимиз!* — деб ёзади Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Шўробод қишлоғидан Дилрабо Намозова. — *Яқинда газетада бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Чунки бу рўйхатда менинг ҳам исм шарифим бор эди. «Жасорат» медалига сазовор бўлган эдим. Бу хушхабар мени ниҳоятда тўлқинлантириб, қўлимга қалам олиб, сизга мактуб ёзишга ундади...»* Хўш, Намозова қандай жасорат кўрсатди, бирорта жиноятчини қўлга олдими ёки ҳарбий машқларда ўз маҳоратини намоён этдими?! Шак-шубҳасиз, ҳар қандай одамнинг хаёлига ана шу фикр келади. Яна аёл киши-я!..

Энди мактубнинг давомини эшитинг: *«Мен болаликдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун Бухоро тиббиёт техникумига ўқишга кириб, уни 1992 йили тамомладим. Аммо ўша йили тўсатдан қаттиқ касал бўлиб қолдим. Орқа миям жароҳатланган экан, операция қилишди. Аввал вилоят шифохонасида, сўнгра Тошкент шаҳридаги қатор касалхоналарда даволандим. Фақат шифокорларнинг маҳорати-ю, мўъжиза туфайлигина омон қолдим. Операциядан кейин анча вақт тўшакка михланиб қолдим. Етти йилдан кейин яна жарроҳлик столига ётдим. Операция яхши ўтди. Аммо биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.*

*Уйимга келгач, дард хуруж қилиб, яна ётиб қолдим. Мен чеккан азобларни ҳеч кимнинг бошига солмасин».*

Дилрабо Намозова ногирон бўлиб қолганидан кейин ҳам тушкунликка тушмади. Ўтирган жойида қўлига ип-игна олиб, болалар кўйлакчаларини тикишни ўрганди. Шу зайлда маҳоратини ошириб бориб, бу касбни маҳалла қизларига ўргатди. Сўнгра Президентнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармонларидан руҳланиб, олдин ўз қишлоғидаги мактабда тикувчилик цехи, кейинчалик туман марказидаги Ногиронлар жамиятига қарашли бинода «Дилрабо чеварлари» ўқув марказини ташкил этди. У бундай ибратли ташаббус билан қаноатланмасдан қўшни Ромитан тумани хотин-қизлар учун ҳам худди шундай марказ ташкил қилди. Дилрабо меҳнатдаги жасорати ва ирода кучи, ҳаётдаги ибрати ва ташаббускорлиги учун «Жасорат» медалига сазовор бўлган эди. У ўз мактуби охирида бундай эътибордан сўнг «гўёки қайтадан дунёга келгандек бўлдим» деб фахр-ифтихор туйғусини ифодалайди.

Биласизлар, Юртбошимиз вилоятларда бўлганида доим одамларнинг туриш-турмушлари, улар ҳаётидаги муаммолар билан қизиқади, баъзан турли соҳаларнинг таниқли вакиллари билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини тинглайди. Чунончи, бир неча йил олдин Қўқон шаҳрига ташриф буюрганида таниқли халқ устаси Абдуғани Абдуллаевни сўраб-суриштиради. Президентга уста бемор ётганлигини айтишади. А.Абдуллаев Имом Бухорий мажмуасида ҳамда Тошкентдаги Хотира майдонида амалга оширилган диққатга сазовор ишларга катта ҳисса қўшган уста бўлгани учун Юртбошимиз у кишини алоҳида эътибор билан йўқлаган эди. Уста бундан хабар топиб, Президентга хат йўллайди. Унда шундай таъсирли сатрлар бор: «Ҳар бир инсон дунёга келиб, ҳаёти давомида бошидан ҳар хил кунларни ўтказади. Бирда хурсандчилик ҳамдам бўлса, бирда ташвиш йўлидан чиқади. Бирда кулса, бирда кўнгли нимадандир эзилиб йиғлаши мумкин. Кеча мен ҳам йиғладим. Лекин аламдан эмас, дард-азобдан эмас, аксинча, хурсандчиликдан, қувонганимдан йиғладим. Юртимиздаги ҳар бир инсонни ўзига қадрдон билгувчи, бирини ўз иниси, бошқасини туғишган синглисидай кўргувчи, Сиздай азиз, меҳрибон, бағрикенг инсонни Ватанимизга бош қилгани учун Тангрига беҳисоб шукроналар айтдим. Оила аъзоларимиз, фарзанду набираларимиз, шогирдларим билан ҳаққингизга дуо қилдик».

Президент устани фақат йўқлаб қўяқолмади. «Хонадонимиз остонасидан Сизнинг топшириғингиз билан, — деб ёзади ўз мактуби охирида Ўзбекистон халқ устаси Абдуғани Абдуллаев, — Тошкентдан энг тажрибали шифокорлар кириб келганида улар тимсолида Сизнинг меҳрингиз, эътиборингиз кириб келди. Кўзимга нур югурди, юрагимга дармон, бармоқларимга мадор кирди. Бундай меҳрга жавобан мен, Худо хоҳласа, яна усталар сафига қайтаман».

Ҳеч бир мактуб ўз-ўзидан ёзилмайди. Уни ёзишга изтироб азоби ёки қувончли ҳиссиёт туртки беради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам инсон ўз ҳис-туйғусини оқ қоғозга туширганидан сўнггина ҳаяжонини босиб, кўнгли таскин топади. Мактуб орқали Президент билан дардлашиш эса кўнгилга таскин бериш билан бирга эртанги кунга бўлган ишончни оширади. Шу жиҳатдан олганда Навоий вилояти, Кармана тумани, Жалойир қишлоғидан Умида Нарзиева йўллаган мактуб эътиборга молик. Қуйида уни айнан келтирамиз:

*«Ҳурматли Президент!*

*Бизнинг оиламиз Сиздан ва Сиз тузган ташкилот — «Соғлом авлод учун» жамғармасидан жуда миннатдор. Қизимиз Нилуфар Нарзиева тўрт ёшида қайноқ сувга йиқилиб, ўнг қўли ва елкаси, кўкрак қисми куйган эди. Жароҳат асоратидан бечора қизим кўп азоб чекди.*

*2006 йилда қизимни «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ёрдами билан Германиядан келган шифокорлар кўригига олиб бордик. Кам таъминланган оила бўлганимиз учун ва қизимнинг аҳволини инобатга олиб, мутахассислар уни Германияга олиб бориб даволашни лозим топишди ва Нилуфарни Германияга юбордик.*

*У Германияда бир йил даволаниб, ҳеч дард кўрмагандек бўлиб, соппа-соғ қайтиб келди. Мен кўзларимга ишонмас эдим: қизимда на куйиш асорати, на чандиқ, на оғриқ бор эди. Қизимнинг қувончини кўриб ҳар куни Сизга, мустақил Ўзбекистонимизга, «Соғлом авлод учун» жамғармасига чексиз ташаккурлар айтаман.*

*Халқимизнинг бахтига доимо омон бўлинг!»*

Мустақилликнинг ўтган йилларида давлатимиз раҳбарининг бир неча китоблари нашр этилди. Уларда мамлакатимиз тарихи ва тараққиёти, халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ҳамда миллий қадриятларимиз билан боғлиқ масалалар илмий-ғоявий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, бу борадаги мақсад ва курашларимизнинг асосий йўналишлари ифодалаб берилган. Айниқса, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби беқиёс тарихий ҳамда илмий аҳамиятга эга асар бўлди. Халқимиз бу асарни беш-олти йилдан бери тинимсиз ўқиб ўрганяпти ва унда баён қилинган қоидаю хулосаларни ҳаётга татбиқ этяпти. Бироқ биз бошқа бир ҳолатга эътиборни қаратмоқчимиз. Яъни, Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг 2008 йилдаги нашри учун бериладиган қалам ҳақини Республика болалар психоневрология шифохонасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун йўналтирган бўлса, мазкур асарнинг иккинчи нашри учун аталган қалам ҳақини ҳам савоб ишга сарфлади. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори Баҳодир Асқаровнинг 2011 йил 17 январь куни Президентга йўллаган мактубида шундай дейилади:

*«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг «Ватан ва халқ мангу қолади» деб номланган янги асарингиз нашр этилиши муносабати билан кўпсонли китобхонларимиз номидан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.*

*Мазкур китобингиз она-Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқарони теран мулоҳаза юритишга ва мустақиллигимизни асраб-авайлашга даъват этувчи манба сифатида кутубхоналаримиз жавонларидан муносиб ўрин эгаллайди.*

*Янги йил арафасида ушбу китоб ҳамда «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарингизнинг иккинчи нашри учун берилган қалам ҳақини Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга йўналтирганингиз борасидаги хабар муассасамиз жамоасини тўлқинлантириб юборди. Аллоҳ назари тушган сиз каби азиз инсон — Президентимизнинг кутубхонамизга бўлган меҳри ва эътиборидан кўзларимизга қувонч ёшлари келди. Бундай беқиёс ғамхўрлик учун сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.*

*Сизнинг қалам ҳақингиздан кутубхонамиз учун энг замонавий компьютерлар харид қилдик. Эндиликда улар кўриш имконияти чекланган фуқароларни замонавий усулда ахборот билан таъминлаш учун хизмат қилади».*

Ҳар қандай дард-ташвиш инсонга руҳий азоб беради. У тушкунлик гирдобида қолади. Шунда унга маънавий малҳам керак. Бундай малҳамни топишнинг ўзи бўлмайди. Чунки кўнгилга ҳеч нарса ёқмайди. Баъзан кутилмаган ҳолатдагина тушкунлик гирдобидаги одам эс-ҳушини йиғиб ўзгариб қолиши мумкин. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хоразмий кўчаси, 13-уйда яшайдиган Ҳанифа Отажонова ана шундай ҳолатга дуч келди.

Унинг 19 яшар қизи вафот этади. Юрак бағри эзилиб, ёруғ дунё кўзига қоронғу бўлиб кўринади. Унга ҳаётнинг қизиғи қолмайди. У тақдирнинг кутилмаган бу зарбасидан тушкунликка тушиб, фарзанди доғида ёнади. Чексиз изтироб бора-бора кучайиб, ўзи ҳам оғир бетоб бўлиб қолади. Тошкентда даволанаётган пайтда ўзини овутиш учун Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини ўқий бошлади. *«Тўғриси, ўзим ҳам сира кутмаган ҳолда мўъжиза рўй берди, — деб ёзади Отажонова Президентга мактубида. — Мутолаадан руҳиятим таскин топиб, илоҳий қувват олдим. Аввало Аллоҳ, қолаверса, мана шу китоб мени ҳаётга қайтарди. Яна яшашга, ҳаётдаги гўзалликлардан завқланишга ундади. Атрофимдагилар, мени эъзозлаган инсонлар ва мени яхши кўрганлар учун ҳам яшашим керак, деган қатъий қарорга келдим. Гўё китоб менга битмас куч-қувват бағишлади».*

Мактубда Ҳанифа Отажонова ўзи ҳақида маълумот берар экан, узоқ йиллар олий таълим даргоҳида талабаларга сабоқ берганини таъкидлайди ва Юртбошимизга ўз миннатдорлигини изҳор этиб, дил сўзларини шундай якунлайди: «Ҳозирги пайтда Президентимизнинг барча асарлари, маърузаларини қайта ўқиб чиқяпман. Шунингдек, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, демократик янгиланишларни имкон даражасида ўрганиш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга ўз нуқтаи-назарим, муносабатимни билдириб боришга ҳаракат қиламан.

Бирданига бундай фаол ҳаётий позицияни танлашимга ҳам юқоридаги китоб сабаб бўлди. Чунки унда шундай сатрларни ўқидим: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?»

Китобда Юрт отасининг эътибори, меҳри ва меҳрибонлигига сазовор бўлиб, маънавий мадад олганларнинг дил ташаккурлари баён қилинган, бундай мактублар кўп. Аслида, бундай ғамхўрлик, меҳр-оқибат, меҳрибонлик, бағрикенглик, инсон руҳиятига маънавий мадад бериш каби ҳолатлар бизнинг халқимизга хос ва мос қадриятлардир. Ишончимиз комил, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

# Йўналишсиз таксилар фаолияти назоратда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш, йўловчилар ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низом тасдиқланган.

Мазкур низомга кўра, йўналишсиз такси белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу автотранспорт воситасига лицензиянинг амал қилинишини тўхтатиш чораси қўлланилади, шунингдек, йўналишсиз такси ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланганда ҳайдовчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий ёки маъмурий таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-4-моддасига асосан ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш, транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Белгиланган тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки улар шикастланганлигига қарамай, йўловчиларни ташиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддасига кўра, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ушбу йўналишда белгиланган тартиб ва норматив-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан фуқаролар орасида доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББнинг ЙҲХ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва Тошкент шаҳар туман давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан ҳамкорликда мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Ўтказилаётган назорат тадбирлари жараёнида туманда жорий йилда бугунги кунга қадар ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 239 нафар фуқаро аниқланган. Қоидабузар шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўрилди.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаш жоизки, юртдошларимиз тадбиркорларга яратилаётган қулай шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятини қонуний асосда ташкил этишса, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз томонидан ҳимояланишига асло шубҳа йўқ.

**Ҳотам СУЛТОНОВ,**
**Чилонзор туман ДСИ бўлим бошлиғи**

Солиқ почтасидан

# Нақд пул муомаласи

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида нақд пул муомаласини қисқартириш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари учун бирмунча қулайлик туғдиряпти. Мамлакатимизда нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир тегишли фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан жойлардаги давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан изчил саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мунтазам назорат ўрнатилган.

Жорий йилнинг ўн ойи давомида Фарғона вилоят ДСБ ва шаҳар-туман давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан нақд пул билан ишловчи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти қонунчилик меъёрлари доирасида нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида 43 минг 542 маротаба мониторинг ўтказилиб, кунлик нақд пул тушумининг 28062,5 миллион сўмга оширилишига эришилди.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, вилоят бўйича 8657 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасига терминаллар ўрнатилган бўлиб, йилнинг тўққиз ойида улар орқали пластик карточкаларда 721840,3 миллион сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Ҳисобот даврига кўра, вилоят ҳудудида 8723 та нақд пулда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд бўлиб, улар асосан бозорлар ва савдо мажмуалари ҳисобланади. Мазкур хизмат кўрсатиш шохобчаларида амалдаги қарорлар ижроси юзасидан 1812 та текшириш ўтказилиб, қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, 877 та ҳолатда 607,6 миллион сўм миқдоридаги нақд пул тушумини яшириш, 757 та ҳолатда 390,1 миллион сўм савдо пулларини назорат касса машинасига кирим қилмаслик ёки квитанция ёзиб бермаслик каби ҳуқуқбузарликлар фош этилди. Ўз навбатида кўплаб ҳолатларда назорат касса машинаси ўрнатмай ва рўйхатдан ўтказмай фаолият кўрсатиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсус лицензиясиз спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш кирим ҳужжати бўлмаган, маркировка қилинмаган товарлар сотиш юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Ўтказилган қисқа муддатли текширишлар якунига кўра, 421 та хўжалик субъектига нисбатан назорат касса машинасидан фойдаланмаслик ва квитанция бермаслик, 360 та хўжалик субъектига яширилган нақд пул тушуми, 168 та ҳолатда кирим қилинмаган товарлар миқдорида молиявий жарималар қўлланилди. Текширишлар якунига асосан, 84 та текшириш ҳужжати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди.

Шунингдек, терминаллардан ноқонуний фойдаланиш юзасидан ўтказилган текширишларда 639 та қоидабузарликка барҳам берилган. Мазкур ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда далолатномалар расмийлаштирилиб, қоидабузарларга 284,0 миллион сўм миқдорида молиявий, 119,9 миллион сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган ҳужжатларнинг 19 таси бўйича жиноий иш қўзғатилди.

**Ҳ. ДЎРМОНОВ,**
**Фарғона вилоят ДСБ бўлим бошлиғи в\б**

2013 йил – Обод турмуш йили

# ТИЛЛО ТОМИРЛАР ЁҒДУСИ

*Диёрисан тўй, сайилнинг*
*Тилиндасан кўп шоирнинг.*
Ибройим ЮСУПОВ

*Шоир ҳам болари бўлсайди агар,*
*Ишин бошлар эди Элликқалъадан.*
Абдулла ОРИПОВ

**Қорақалпоқларнинг довруғи дунёга таралган «Қирққиз» достонида тараннум этилган афсонавий амазонкалар – сулув суворий қизлар сардори Гулойимнинг киндик қони томган сеҳрли Сорқўп қишлоғи ҳудудидан ўтиб, биёбонда бўй тиклаган Бўстон шаҳри томон отланар экансиз, равон йўлнинг ҳар икки ёнида барглари тиллодек товланган туранғи дарахтларига кўзингиз тушади.**

Ривоят қилишларича, Туронни сув босганида узоқни олдиндан кўргувчи қодир Аллоҳ бу ерда Нуҳ пайғамбар эшкагидан бир из қолдирган, кейинчалик бу чизиқда она Амударёни барпо қилган, тошқин қайтганидан кейин юзага келган кўчма қумлар гўзал воҳага хуруж қилмаслиги учун ишончли иҳота сифатида туранғи дарахтининг уруғини сочган экан. Бу дарахт ерли одамлар шевасида Туранғил ҳам деб аталади. Туранғи авваламбор ўз уруғидан кўпаядиган, қолаверса шўр тупроғу қумлоқда ҳам дуркун ўсаверадиган дарахт. У не-не даврларни мардонавор бошдан кечирган Туроннинг ўзига ўхшайди. Айни чоғда туранғининг томирлари таркибида олтин мавжуд бўлган тупроқларга теранроқ кириб боради, деган ривоятлар ҳам бор. Қандай бўлишидан қатъи назар, туранғи жўшқин Жайҳун қирғоғидаги Шайх Аббос Вали тўқайларидан тортиб Ажиниёз охун ва Бердақ шоир униб-ўсган Оқдарё соҳилларигача бўлган улкан ҳудуднинг баҳор ва ёзда ям-яшил, кузда олтин тусли кўркидир. Айниқса, қадимий Элликқалъа қирларида туранғи жуда кўп ўсади.

Бир тарафдан улуғ дарёи азимнинг эрка эпкинлари эсган, иккинчи тарафдан бепоён Қизилқум саҳросининг оташ нафаси ёвшан исларини уфурган, учинчи томонида мовий Ақчакўлнинг тўлқинлари мавж урган, тўртинчи томонидан сеҳрли Султон Увайстоғнинг майин шабадалари таралган Элликқалъа ўзбекнинг кўплаб булбулзабон бахшишоирлари тилидадир.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов «Аллоҳ бу саҳрони яратди минг йил, Сўнг минг йил офтобда пиширди обдон», Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир «Тупроғин туз дема, тиллодан сара, Бу Элликқалъадир, бу Элликқалъа», Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид «Тилимга Ақчакўлнинг мавжларидан лаҳжалар сўрдим, Сополининг синиқ имлосида ҳам қалъалар кўрдим», Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо «Сирга тўлиб ётар чексиз далалар, Ўйга чўмиб ётар кўҳна қалъалар», истеъдодли шоир Минҳожиддин Мирзо «Сўрдилар: — Илк бора қачон одамзод, Шаҳарлар тиклаган тупроқ, заррадан? Дедилар: — Рим, Мадрид, Афинангни қўй, Далилин излагин Элликқалъадан!» дея оқ қоғозга оҳорли мисраларни муҳрлаганлар.

Биз шу ўринда сўз заргарларининг мунаққаш мисраларидан кейин мозий муаррихларидан қолган мукаммал манбаларга ҳам мурожаат қилгимиз келди. Академик Яҳё Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» ва профессор Сергей Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» асарларидаги жаҳон археологиясининг гавҳари ҳисобланган Тупроққалъа ёдгорлигига бағишланган боблар равон, завқли ўқилади. Биринчи китобда «Минг йил давомида ҳуббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, саҳро, тоғ ва қоялар йиғлаган, одамлар, қушлар ва ҳайвонлар йиғлаган, осмонда фариштлар, ер остида девлар йиғлаган», иккинчи китобда «Сув қуйгандек тинч чўлда, Чингизнинг юришидан кейин мозорга ўхшаб қолган ўлик Қаватқалъа бўйлаб дайдиб юрар экансан, XIII аср бошида барпо қилинган ва орадан ўтган етти асрдан бери одам қўли тегмаган уй ва қўрғонларнинг харобаларини қум тепалари орасида кўриб, «Хоразм уйғониш даври»нинг улуғвор равнақини тўхтатиб қўйган ўша фожиали замонни эслаб кетасан, киши» тарзидаги тугал жумлалар бисёр. Бу ўринда ўша илмий асарлардан кўплаб парчалар келтиришимиз мумкин эди. Аммо муштарийларнинг аксариятига таниш бўлган мазкур монографиялар матнидан кўра яқин-яқинларгача Бўстон шаҳрига туташ қишлоқда истиқомат қилган Солижон ота (20 йил аввал биз бу раҳматли зот хусусида «Туркистон» газетасида мақола эълон қилган эдик)нинг ажабтовур ҳангомасидан бир шингил келтиришни маъқул кўрдик:

«...Сергей Павлович мен Тупроққалъага боқиб, унинг бутун маҳобати, кўшкларининг кошинларини кўраман, у ерда яшаган одамлар кўз ўнгимда тирик юргандек бўлади. Кўз ўнгимда у қурилган пайтидаги гўзаллиги билан намоён. Хориж элчиларини қабул қилаётган подшоҳ Вазамарнинг нурли юзи кўринади. Жасур лашкарбоши, оқил вазир, эҳтиросли шоир, арфа чалган мусиқачининг чеҳрасига боқаман гўё. Қулоғим остида сеҳрли садолар жаранглайди. Уч қаватли сарой бинокорларини, мусаввирларни, ҳайкалтарошларни, ҳатто Гавҳарак арнасида сузиб бора-



ётган кема дарғасининг жиддий қиёфасини ҳам кўргандек бўламан. Мана, Солижон, сенинг уйингда канализация борми? Йўқ, албатта. Тупроққалъа саройида эса икки минг йил олдин канализация бўлган. Манови сопол қувурларни кўряпсанми? Мен икки минг йил аввалги обод шаҳарни, унинг ажойиб инсонлардан иборат аҳолисини кўз олдимга келтираман. Тез орада бу ерга яна инсон қадам қўяди, яна шаҳарлар бунёд этади, боғ-роғлар, хиёбонлар яратади. Оққан дарё қайта тўлиб оқади!» деган эди.

Мана, Қаватқалъа ўрнида қават-қават бинолар қад тиклади. Тупроққалъа теварагги боғларга бурканди. Аёзқалъа этагида экинзорлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси азиз ва меҳнаткаш инсоннинг ажойиб ижоди эмасми! Оддий чойхоначи эслаб қолган сўзларда ҳам шоирона сайқал бордек. Сергей Толстов Тупроққалъани, Ўкуз ва Яксарт ҳавзасидаги мингга яқин бошқа қадимий қалъа ва қўрғонларни қирқ йилдан кўп муддат ўрганди. У башорат қилганидек, археолог қадим воҳага илк қадамини қўйган кундан қирқ йил ўтгач, яъни бундан роппа-роса қирқ йил муқаддам Элликқалъа қўриғини ўзлаштиришга киришилди. 1977 йилда Мамлакат харитасида янги туман пайдо бўлди. Бу ишнинг бошида турган ёхуд туман тараққиётига муносиб улуш қўшганлардан Тўли Маткаримов, Бегимбой Ибодуллаев, Эгамберган Рейимбоев, Йўлдош Камолов, Аминбой Тожиев, Тангриберган Атамуратов, Казимбой Нурумбетов, Юсуфбой Отажонов, Эгамберган Оллоёров, Абдурайим Юсупов ва бошқа фидоийлар бугун ўзлари эккан дарахтларнинг мевасидан баҳраманд. Элликқалъаликлар биринчи чўлқуварлар Искандар Оллоберганов, Норбой Рўзимбетов, Султон Ҳусаинов, Бозорбой Ҳасанов, Бийимбет Нурмахашевларни чексиз миннатдорлик билан эсга оладилар.

Қўриқ Элликқалъа тумани тузилганида Беруний номидаги Тошкент Политехника институти(ҳозирги Техника университети)да ўқитувчи эдим. — ҳикоя қилади меҳнат фахрийси Юсуфбой Алимов. — Олий ўқув юртларига қабул бошланиши олдидан шу ерга хизмат сафарига жўнатишганида янги туманнинг раҳбари олдига кирсам, ўзим билан бир синфда ўқиган дўстим Олимбой Примов кулимсираб турибди. «Ёшларни олий ўқув юртимизда ўқишга чорлаб келдим!» дедим муддаога кўчиб. «Таклиф учун минг бор ташаккур. Лекин улар институтга киргач, гидроиншоотлар назарияси ва амалиёти фанидан бошқа домланинг маърузасини тинглашга мажбур бўладилар!» деди. «Нега?» деб



сўрадим соддадиллик билан. «Янги туманнинг оёққа туриб олишига ёрдам бермайсизми?» жиддий тусда сўради раҳбар. Хуллас, ижроия қўмита раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб иш бошладим. Бугун кўпчилик Бўстон шаҳрининг бежирим бинолари, кенг ва равон кўчалари, ажойиб хиёбонларига қайта-қайта тасанно айтади. Бунинг сири шундаки, дўстим Олимбой билан шаҳарнинг бош режасини тузиш учун меъморий ечимлар излаганмиз. Туман раҳбари менга ва истеъдодли бош меъмор Ибодулла Саъдуллаевга «Янги шаҳарнинг бинолари чиройли бўлиши ва архитектура жиҳатидан иложи борича бири бирини такрорламаслиги керак!» деган талабни қўярди.

Хулласи калом, Бўстон чин маънода исми жисмига ярашган шаҳар бўлиб қад тиклади. Мустақиллик эса унинг чиройини янада очиб, яшартириб юборди!

— Истиқлолимизнинг йигирма икки йили мобайнида йигирмадан ортиқ йирик бунёдкорлик объектлари фойдаланишга топширилди, дейди туман бош меъмори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Ибодулла Саъдуллаев. — Юртимиз асрий орзусига эришган йили 20 минг ўринлик ўйингоҳ, кейин «Элтекс» тўқимачилик мажмуаси, Фанлар академиясига қарашли ботаника боғи, беш қаватли супермаркет, тўрт қаватли турар-жойлар, бир неча санаторий, салобатли санъат саройи қурилди. Кейинги ўн йилда Бўстон академик лицейи ва 3 та касб-ҳунар коллежи, туман тиббиёт бирлашмасининг замонавий даволаш корпуси, 6 та ҚВП, Сарибий қишлоғидаги касалхона, иқтидорли болалар мактаб-интернати, мактаблар, замонавий сузиш ҳавзаси бинолари барпо этилди. «Ақчакўл» сиҳатгоҳи, «Орол болалари» соғломлаштириш маскани, деҳқон бозори қайта таъмирланди. «Ижодкорлар», «Ёшлар» хиёбонлари, «Очиқ осмон остидаги музей» барпо этилди. 2010-2012 йилларда туманнинг 8 та мавзесида намунавий лойиҳа асосида 195 та муҳташам уй қурилди. Обод турмуш йилида бундай хонадонлардан яна 70 таси фойдаланишга топширилади.

Дарҳақиқат, «Обод турмуш йили» давлат дастурининг туман миқёсида ижросига назар ташласак, режадаги 2865 та ўрнига 3017 та янги иш ўрни яратилганини кўрамиз. Улардан 1594 тасини касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари эгаллагани ҳам эътирофга лойиқдир. Энг муҳими, аксарият иш ўринлари фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик эвазига яратилди. Аграр соҳа ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Пахта, ғалла, пилла ҳосили кўнгилдагидек бўлди. «Элликқалъа нефть маҳсулотлари» унитар корхонаси таркибида замонавий бўрдоқичилик мажмуаси ишга туширилди. Паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш борасидаги ишлар юксак натижа бермоқда. Кўҳна ва навқирон Гулдурсун заминида «Сахтиён» шаҳарчаси қад ростламоқда. У ерда саховатли инсон Тўхтабой Болтабоев ўз маблағи эвазига тикувчилик фабрикаси, спорт мажмуаси, тантаналар уйи бунёд этди.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида, Нукус шаҳрида, Тўрткўл, Беруний, Нукус, Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, сўл соҳилдаги Хўжайли, Шўманай, Қанғликўл, Қўнғирот, Мўйноқ туманларида озод ҳаёт, обод турмуш гўзал қирралар касб этмоқда. Элликқалъа тумани тараққиётида эса унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Буларнинг аксарияти иқтисодиёт билан маънавиятни тарозининг икки палласига тенг мақомда қўя олиш амалиётидан келиб чиқади. Масалан, сайёрамизнинг барча қитъалари ўсимлик дунёсидан намуналар барқ урган Ботаника боғи бошқа жойда йўқ. Қорақалпоғистон туманлари ичида биринчи бўлиб Элликқалъада сунъий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилганини қайд қилдик. Туманда таъсис этилган Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма фаолияти ёш истеъдодларни тарбиялашда йилдан йилга такомиллашиб бормоқда.

С.П.Толстов номидаги тарих ва археология, И.Юсупов номидаги бадиий адабиёт тарғиботи, Ўзбекистон халқ шоири М.Юсуф номидаги шеър нафосати, Олимпия ўйинлари чемпиони С.Раҳмонов номидаги спорт шуҳрати, О.Худойшукуров номидаги ижрочилик санъати музейлари, очиқ осмон остидаги антик қалъа ва қўрғонлар музей-мажмуаси ҳамюртларимиз ҳамда хорижлик сайёҳларнинг эътиборида. «Аёзқалъа» ва «Тупроққалъа» сайёҳлик манзиллари туризм равнақига муносиб улуш қўшмоқда. Туранғининг тилло томири теран кириб борган бу муқаддас маскан ўтмиш билан келажакнинг ноёб чорраҳасига, самарали ислоҳотлар майдонига, юксак маънавият сайқал топган масканга айланмоқда. Томчида қуёш акс этганидек, саҳро оғушидаги беҳиштга менгзаса бўладиган Элликқалъадаги ободлик манзаралари мустақил мамлакатимизнинг фавқулодда куч-қудратига, ёруғ истиқболига бўлган ишончга ёрқин мисолдир.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**

# Нодавлат киностудиялар: миқдор қачон сифатга айланади?

**Ўтган ҳафтада "Ўзбеккино" миллий агентлигида таниқли киноижодкорлар, нодавлат студиялари раҳбарлари, режиссёрлари ва продюссерлари иштирокида нодавлат киностудияларида тасвирга олинаётган фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори Жаҳонгир Қосимов нодавлат киностудиялари вакилларини ошкора суҳбатга чорлар экан, бугунги кунда тасвирга олинаётган барча кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини кўтариш учун биринчи навбатда ишни тўғри ташкил қилиш кераклигига қаратди.

Унинг фикрича, агентлик бу борада нодавлат киностудияларига амалий ёрдам беришга тайёр. Шу мақсадда агентлик қошида эксперт баҳолаш комиссияси тузилиб, унга кинематография, мусиқа ва психология каби соҳаларнинг етакчи мутахассислари жалб этилди. Комиссия нодавлат студияларда ва хорижда ишлаб чиқарилган аудиовизуал асарларни, сценарийларга эксперт баҳосини бериш билан шуғулланади.

Тадбирда маърузаси билан кўпчилигида иштирок этган агентликнинг бадиий, мультиплакацион кино, видеофильмлар сценарийларини тайёрлаш бўлими бош муҳаррири ўринбосари, эксперт баҳолаш комиссияси аъзоси Феруза Тўрахўжаева "Ўзбеккино" миллий агентлигида нодавлат киностудиялар билан иш йўлга қўйила бошлагач, эксперт баҳолаш комиссиясига улардан келиб тушаётган сценарийлар сони кескин ортиб, шу йилнинг 15 ноябрига қадар 117 та киносценарий келиб тушганини қайд этди. Бу 2012 йилдагидан бир ярим баробар кўпдир. Лекин сценарийларнинг аксариятини мутахассис бўлмаган ҳаваскорлар ёзаётгани учун уларнинг кўпчилигида ижтимоий юк йўқ, асосан, маиший мавзуларга ўралашиб қолинмоқда. Бундан ташқари, уларда чет эл фильмларига ошкора тақлид баробарида оммавий маданият унсурлари ҳам кўзга ташланиб қолаётгани ачинарлидир.

Таниқли кинодраматург, эксперт баҳолаш комиссияси аъзоси Рихсивой Муҳаммаджонов кино ишлаб чиқариш инсон тарбияси билан боғлиқ бўлгани, муайян фикрни шакллантиришга қаратилгани учун бу ишни дуч келган одамнинг қўлига бериб бўлмаслигини таъкидлади.

— Айрим ҳолларда нодавлат киностудияларда фильмларни сценарийсиз суратга олиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу жуда уят, — деди у.

"Shayhontohur Film" студияси раҳбари Ғайбулла Раззоқов нодавлат киностудияларда ишни ташкил қилишнинг асосий камчиликларидан бири сифатида уларнинг деярли ҳеч бирида истиқбол режаси йўқлигини айтди.

Таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов ҳар бир бинони қуришдан аввал унинг лойиҳаси чизиб олинишини, сценарий тасвирга олинаётган фильм учун ана шу вазифани ўташини таъкидлади.

— Асосий камчиликлар фильм монтаж қилиб бўлгандан сўнг эмас, сценарийни ёзиш жараёнида тўғриланса, ошиқча харажатга ҳам йўл қўйилмайди, оворгарчилик ҳам бўлмайди, — деди у.

Тошкент Ахборот технологиялари университети ўқитувчиси, киношунос Элмира Ҳасанова нодавлат киностудияларда тасвирга олинаётган кинофильмларнинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида маъруза қилар экан, уларнинг асосий камчилиги сифатида структураси бўшлигини, картина образи йўқлигини, баъзи ҳолларда режиссёр суратга олиш майдонига тайёргарликсиз келишини айтиб ўтди.

У сценарий муаммосини ҳал қилиш учун мавжуд сценарийларни қайта ёзиб, камчиликларини тузатиб берадиган скрипт-докторлик иш ўрнини жорий қилиш зарурлигини таклиф сифатида киритди. Жаҳоннинг етакчи киностудияларида ўзини оқлаган ушбу амалиёт бизда ҳам зиён қилмаса керак.

Бугунги кунда агентлик қошидаги эксперт баҳолаш комиссиясига кино соҳасининг етакчи мутахассислари билан бирга композитор, психолог ҳам киритилгани тасвирга олинаётган фильмларнинг мусиқаси ва инсон психологиясига таъсирига оид камчиликларни бартараф қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси аъзоси, таниқли бастакор Рустам Абдуллаев, эксперт баҳолаш комиссиясига тақдим этилаётган фильмларнинг мусиқасида драматургия йўқлиги, шодлик ва қайғу саҳналарида бир хил мусиқа берилаверишини танқид қилди. Таниқли композитор ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли нодавлат киностудиялар билан Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва фильмларга мусиқа ёзиш учун профессионал композиторларни жалб қилишдир, деб таъкидлади.

Бугунги сифатсиз кинофильмларнинг хавфли жиҳати шундаки, улар ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган одамнинг дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади. Уларни томоша қилаётган бола бачканаликни тушунмайди ва ҳаёт шундай экан деб қабул қилади.

Давра суҳбатини якунлар экан, бош директор Жаҳонгир Қосимов "Ўзбеккино" миллий агентлиги Киноарбоблар бир-



лашмаси билан бирга нодавлат киностудияларга амалий ёрдам сифатида шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб, уларнинг режиссёр ва сценаристлари учун учун бепул ўқув курслари ташкил қилинишини эълон қилди. Унинг билдиришича, келаси йили бу ишлар давом эттирилиб, кино ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи бошқа касб эгалари ҳам ўқитиб берилади.

Бу, фалсафа тили билан айтганда, фильмлар миқдори кўрсаткичининг жамиятимиз анчадан бери кўзи тўрт бўлиб кутаётган сифат кўрсаткичига ўтишини тезлаштиришга эш бўлса ажаб эмас

Дарвоқе, тадбирда кинофильми эксперт баҳолаш комиссиясидан ўтмаган режиссёрлардан бири, ҳозирча олдин тайёр бўлган кинофильмларимизга агентлик рухсат бериб турса, бундан бу ёғига яхши фильмлар ишлаймиз, дейишгача борди. Шунда кимдир, унақа фильмлар "одам" бўлиши қийин, ўқитиб юбориш керак, деб луқма ташлади. Бу албатта ҳазил эди.

Хуллас, давра суҳбатининг асосий лейтмотиви ўқиш ва ўқитиш, бу борада агентлик нодавлат киностудияларга қўлидан келган ёрдамни беришга тайёр эканини алоҳида қайд этиш лозим.

**Баҳодир УНАРБОЕВ**

AGROBANK

Xalq farovonligi — faoliyatimiz mezoni




"Agrobank" ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko`chasi 43
tel: 8(371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

*Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин*

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Сизнинг омонатларингиз:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!



Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

"Асака" банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган



21

TURON BANK

# «Туронбанк» ОАТБ

бутун Ўзбекистонимиз аҳлини Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги билан самимий қутлайди.

*Англиянинг The Banker молиявий журнали шу йил 29 ноябрь куни Лондонда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида «Туронбанк» очиқ акциядорлик банкини* ***«2013 йил банки»*** *деб эълон қилди. Ушбу эътироф мазкур банкнинг жорий йилдаги муваффақиятли одимлари тасдиғидир, десак муболаға бўлмайди.*

«Туронбанк» ОАТБнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва молия тизимида муҳим мавқени эгаллаётгани, ўз олдига қўйган халқаро стратегик мақсадларни изчил амалга ошира бориб, тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида ўз барқарорлигини сақлаб қолаётгани мазкур молия муассасасини «Йил банки» дея эътироф этилишига сабаб бўлди. Нуфузли журнал томонидан берилган бу юксак баҳо банкнинг келгусида янада тараққий этишида муҳим омил бўлади, албатта.

The Banker
Bank of the Year 2013
UZBEKISTAN

Жорий йил «Туронбанк» ОАТБ учун мижозлари сонининг ортгани, банк хизматларидан фойдаланиш турларининг кўпайгани, мижозларга янги ва долзарб таклифларнинг тақдим этилгани боис янада муваффақиятли келганини таъкидлаш ўринлидир.




Хизматлар лицензияланган


## ЭЙ ФАРЗАНД...

*Эй фарзанд, ҳаракат қил, ҳар қандай сифатга эга бўлсанг ҳам, олдини кўргил, жувонмардликка яқин бўлгил, бу билан жаҳон аҳлининг яхшироғи бўлғайсан. Агар жувонмардлик йўлида юрмак тиласанг, ҳамма вақт уч нарсадан сақлангил: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан. Уч нарсани дўст ва душманга очиқ тутгил: уй эшигини, дастурхон бошини ва кармоннинг боғичини.*

*Билгилки, жувонмардликнинг такомиллашгани шундай бўладики, у ўз молини ўзиники, бошқанинг молини бошқаники деб билади. Халқ молидан таъма қилмагил. Ўз қўлинг билан қўймаган нарсани олмагил. Халққа яхшилик қила олмасанг ҳам, ёмонлик қилмагил.*

*Менинг айтганларимдек тириклик қилган киши дунёда жувонмард киши ҳисобланади.*

***"Қобуснома"дан***


HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел: 233-36-02.
Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев
Адади: 4272 Буюртма — J-8647 1 2 3 4 5